

Навоий шаҳар

Навоий шаҳарнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари барқарор ўсиши таъминланди.

Жумладан, саноат, қурилиш, хизматлар ва чакана савдо соҳаларида белгиланган прогноз кўрсаткичлари ортиғи билан бажарилди.

Хусусан, жорий йилнинг **6 ойлик** якуни билан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми (**141,5 трлн.сўм**) **104,6 фоизга**, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (**46,2 млрд.сўм**) **100,5 фоизга**, қурилиш ишлари ҳажми (**1,6 трлн.сўм**) **118,5 фоизга**, чакана савдо айланмаси (**2,5 трлн.сўм**) **115,2 фоизга** ҳамда хизматлар ҳажми (**3,6 трлн.сўм**) **126,9 фоизга** ўсиши таъминланди.

Хусусан, 2026 йил 6 ойликда аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ҳажми **822,1 млн.сўмни**, қурилиш пудрат ишлари ҳажми **9,2 млн.сўмни**, чакана савдо айланмаси ҳажми **14,7 млн.сўмни** ҳамда хизматлар ҳажми эса **21,0 млн.сўмни** ташкил этди.

Навоий шаҳрида 2026 йил январь-июнь ойларида бюджет даромадларига тушум (контингент) **53,2 млрд.сўм** прогноз белгиланган бўлиб, амалда **56,1 млрд.сўмни** ташкил этиб, белгиланган режа **105,5 фоизга** бажарилди (*тушумлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 121,0 фоизга ошди*).

Шунингдек, 2026 йил январь-июнь ойлари учун маҳаллий бюджет даромадларига тушум **45,7 млрд.сўм** прогноз белгиланган бўлиб, амалда **61,4 млрд.сўмга** ёки режага нисбатан **134,1 фоизга** бажарилди.

Шу билан бир қаторда, жорий йилнинг январь-июнь ойларида **кичик ва ўрта бизнес** лойиҳаларига жами **452,4 млрд сўм**, шундан тадбиркорлик дастурлари доирасида **2 287 тага** фуқаро ва тадбиркорларга **958,0 млрд сўм** кредитлар ажратилиши натижасида **3 056 та** янги иш ўринлари яратилди.

Жумладан, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари орқали **479 тага 8,1 млрд сўм** (иш ўрни 1020 та), бизнесга биринчи қадам дастури орқали **945 тага 26,6 млрд сўм** (иш ўрни 1056 та), “Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш” комплекс дастури орқали **183 тага 25,5 млрд сўм** (иш ўрни 245 та) ҳамда “Маҳалла лойиҳаси” дастури доирасида **270 тага 55,6 млрд сўм** (иш ўрни 735 та) кредит маблағлари ажратилди.

Бундан ташқари, Навоий шаҳрида жорий йилнинг январь-июнь ойларида янгича лойиҳавий ёндашув асосида аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича **12 842 та** прогноз режа белгиланган бўлиб, амалда **19 798 та ёки** режага нисбатан **154,1 фоизга** бажарилди.

Жумладан, аҳолини доимий иш билан банд қилиш ҳисобига **2 350 та** режа, амалда **4 908 та ёки** режага нисбатан **209 фоиз**;

аҳоли даромадини ошириш ҳисобига **7 924 та** режа, амалда **11 570 та ёки** режага нисбатан **146 фоизга**;

иш ўринларини соядан чиқариш ҳисобига **2 560 та режа, амалда 3 320 та ёки** режага нисбатан **130 фоизга** бажарилди.

Қолаверса, **5 569 та** аҳоли тадбиркорликка жалб қилинди (режага нисбатан **105,8 фоиз**).

Шундан, **ўзини-ўзи банд қилиш** ҳисобига **4 673 та, янги корхоналар** ташкил этиш орқали **189 та, якка тартибдаги тадбиркорлик** ҳисобига **707 та** аҳоли ўз бизнесини бошлади.

Натижада йил бошида ишсизлик даражаси **3,2 фоиз**ни ташкил этган бўлса, бугунги кунда **2,9 фоизга**, камбағаллик даражаси эса **3,4 фоиздан 2,5 фоизгача** қисқартирилди.

Шу билан бирга, “Олмазор туман тажрибаси” асосида қўшимча **102,4 млрд.сўм** даромад тушириш режаси белгиланган.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллик учун **43,0 млрд сўм** туширилишни прогноз қилиб белгилаб олинган бўлиб, бугунги кунга қадар амалда **73,4 млрд сўм** ёки **168,0 фоизга** бажарилган.